

XXLASR



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

19-mart
2026-yil
11 (1 165)

21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXlasrgazetasi

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улуғбекнинг ўлмас мероси дунё тургунча турсин, деб тилак билдирган эди.

Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай:

*Ислоҳ цивилизацияси
маркази эл-юртимизга,
жаҳон аҳлига ҳамиша беминнат
хизмат қилсин!*

*Мана шундай улуғ ишларнинг
бунёдқори бўлган мард ва олижаноб
халқимиз доимо омон бўлсин!*



*Бугун далаларга қадалган уруғ
Иниооллоҳ, ризқу баракот тўлуғ,
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуг –
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!*

Эркин Воҳидов



3 ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ОДАМЛАР ТАҚДИРИ ТУРИБДИ

4 ЖАРИМАЛАР ЖАРГА ЕТАКЛАМАЙДИ

5 ФЕРМЕР ИШЛАЙДИГАН, ЯШАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

8 “СУРХОНДАН СЎЙЛАНГ, АБДУРАСУЛ!”



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

МУНОСАБАТ

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — БИРЛАМЧИ ВАЗИФА

13 март куни Президентимиз раслигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишини бутун халқимиз бевосита кузатди. Қайд этилганидек, аҳолиси 38 миллиондан ошаётган мамлакатимизда сўнги йилларда даромадлар икки баробарга кўпайган бўлса-да, лекин айрим ҳудудларда халқнинг овозига айрим идора ва ташкилотлар ўз вақтида қулоқ солмаётгани ҳамда сифатли ечим топишда сан-солорликларга йўл қўяётгани кескин танқид қилинди. Ачинарлиси, баъзи масъул раҳбарларнинг сайёр ва шахсий қабулларга юзаки ёндашаётгани, мурожаатларга юзаки муносабатда бўлаётгани айтиб ўтилди.

Тасаввур қилинг, бундай ҳолатлар кўп бора кузатилган: ҳеч ким ҳеч қачон бирор ваколатли идорага бекорчиликдан ёки хўжакўрсинга мурожаат этмайди. Талаб ва сабаблар борки, му-

аммолар кўтарилари. Мақсад фақат масалани ўртага олиб чиқиш эмас, аксинча, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам аниқлаб, тизимли тарзда ечимлар ишлаб чиқилсагина натижага эришилади. Шунинг учун ҳам йиғилишда Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, уларни таҳлил ва таклиф берувчи марказга айлантириш бўйича муҳим вазифалар масъуллар зиммасига юклатилди.

Ички ишлар, мажбурий ижро, соғлиқни сақлаш, бандлик, инфратузилма каби соҳалардаги мурожаатлар обдан таҳлил этилиб, масъул идоралар фаолиятига ҳам аниқ баҳо берилди. Масалан, кейинги пайтларда аҳоли ўртасида алимент ундириш, энергетика ва коммунал хизматлар, йўл ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан жиддий эътироз билдирилаётгани очик айтилди.

Яна бир жиҳати, эндиликда муро-

жаатлар билан ишлашда давлат идоралари рейтинги жорий этилиши, Халқ қабулхоналарига қўшимча ваколатлар берилиши ва тезкор штаблар ташкил этилиши айна мудио бўлди, дейиш мумкин. Бу каби чоралар ижро интизомини кучайтириш, масъулиятни ошириш ва мурожаатларнинг ечимини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Эътироф этмоқ керакки, бундай чора-тадбирларнинг белгиланиши, энг аввало, “Инсон қадрини учун” тамойилининг амалий исботини юрдошларимиз келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаёти мисолида кўрмоғига ишорадир. Бунда, маҳалла даражасида ишлаш механизмларининг кучайтирилиши, “маҳалла еттилиги”нинг масъулияти оширилиши, инфратузилмани ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилаётгани аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш имконини кенгайтириши шубҳасиз. Шунда-

гина мурожаатлар камайиб, одамларнинг розилигини кўриш мумкин бўлади.

Албатта, ушбу мураккаб жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Қонунчилик палатаси томонидан мурожаатлар билан ишлашда масъулиятни кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга замин яратади. Ўз навбатида, O'zLiDeP ва унинг парламентдаги фракцияси аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва ижтимоий масалаларга ечим топишда фаол иштирок этмоқда. Партия томонидан амалга оширилаётган “Депутат маҳаллада” лойиҳаси эса аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ўрганиш ва тезкор ҳал этишда самарали механизмдир.

 МУНОСАБАТ

Саноат асосий тармоққа айланиши керак!

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш, саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш ислохотларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, саноат қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эътижсини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви эканлиги билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноатнинг ривожланиши миллий иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 10 март куни Қашқадарё вилоятида ислохотлар натижадорлиги ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йилги шайхона жорий йилда иқтисодий тармоқларида янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан саноатда 8,6 фоизлик ўсишни таъминлаш, 3,5 млрд доллар инвестиция ҳисобига 727 млн долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилганини қайд этиб, вилоят иқтисодий 8,2 фоиз, хизматлар 15,9 фоиз, қурилиш 13,2 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 5,8 фоизга ўсиши кутилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу йил воҳа саноатида 1,7 млрд долларлик 195 та лойиҳа ишга туширилиб, Муборак маҳсул инновация ва Қарши яшил технологиялар саноат зоналари ташкил этилиши белгиланган. 2026-2027 йилларда уларда 1,1 млрд доллардан зиёд бўлган 36 та лойиҳани амалга ошириш ва 6 мингга яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Президентимиз воҳада саноатни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини бартараф этиш, фаолиятини кенгайтириш, янги бозорларга кириб бориш, стандартларни ўрганиш, бренд яратиш, стартапларни юзга чиқаришга яқиндан қўллаб-қувватлаш кенг ривожланиётган сунъий интеллект, рақамли ва яшил технологиялар, креатив хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалиётга жорий этишга эътибор қаратиш муҳимлиги қайд қилинди. Дарҳақиқат, шундан қўшма аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашда ана шундай комплекс ёндашувларни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда вилоят миқёсида 30 424 та корхона ва ташкилот фаолият

юртмоқда. Шундан 25 038 таси ёки 82,3 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Воҳада хорижий инвестиция иштирокидаги 300 дан ортиқ кўшма корхона мавжуд бўлиб, ўндан ортиқ янги маҳсулотлар экспортини йўлга қўйилган. Саноатни ривожлантириш мақсадида сенатор ва депутатлар иштирокида ёш тадбиркорлар ўртасида замонавий технология олиб келиш, ишлаб чиқаришга креатив фикрлайдиган билимдон мутахассисларни жалб этиш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида кенг қўламада тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда саноатни ривожлантириш учун зарур бўлган малакали муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетингларни тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ускуна ва дастгоҳлар, тиббий воситалар, электроника саноати, логистика каби соҳаларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар амалиётга татбиқ этилапти.

Таъкидлаш жоизки, агар солиқ ҳисоботларини кенчиктиргани учун қўллаб-қувватлаш зарур бўлган тадбиркорлар фаолиятини ўрганиб, уларни қийнаб келаятган муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан яхшилаш бугуннинг талабидир.

Муҳтасар айтганда, кейинги ўн йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, хусусан, инновацияга асосланган саноат ишлаб чиқариш ташкил этиш, рақамли иқтисодий кенг жорий қилиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби узоқни қўлаб амалга оширилаётган устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизга жиддий масъулият юклайди.

 ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Холматов ўзи сайланган 25-“Навоий” сайлов округида сайловчилар билан учрашди.



МУАММО БОРМИ, ДЕМАК ЕЧИМИ ХАМ БОР!

Халқ вакиллари аҳоли билан доимий мулоқотини таъминлаш, жойлардаги долзарб муаммоларни ўрганиш, фуқароларнинг муносабатларини яхшилаш ва уларнинг ечимини топишга қаратилган очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда “Навоий” ҚФЙ, “Ёшлик”, “Пешоғор” ҳамда “Қўштол” МФЙ фаоллари, “Маҳалла еттилиги” вакиллари, вилоят ва тумандаги идора ва ташкилотларнинг масъуллари ҳамда мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи сайловчилар иштирок этди.

Мулоқот давомида халқ вакили томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда ҳамият тараққиётини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ҳақида сайловчиларга атрафлича тушунчалар берилди.

Сўнгра очиқ ва ошқо-ра кечган мулоқотлар чоғида 25-“Навоий” сайлов округи ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли бандлиги, ижтимоий муҳофаза, инфратузилма ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси атрафлича муҳокама қилинди.

Жумладан, Зомин туманидаги Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғинида 4 фойиздан юқори бўлса, камбағаллик даражаси 2 фойиздан

юқорилиги қайд этилди. Қўштол маҳалласида эса ишсизлик даражаси 2,0 фойиз атрофида бўлса, камбағаллик даражаси 3,7 фоизни ташкил этмоқда. “Ёшлик” МФЙда ишсизлик 4,7 фоиз, камбағаллик даражаси 4 фойиздан юқори.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудуддаги энг катта маҳаллалардан бири Пешоғорда бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўпчилиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу ерда ишсизлик даражаси 5,2 фойиздан юқори, камбағаллик даражаси 3,8 фоизни ташкил этмоқда. Шу сабабли мазкур ҳудудда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, доимий даромад манбаларини шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири деб қаралмоқда. Учрашув давомида аҳолининг бу борадаги тақлиф ва мулоҳазалари тингланди. Қўрилган муносабатлар атрафлича муҳокама қилинди.

Мисол учун, Пешоғор маҳалласига қарашли Қорача ва Соҳи қишлоқлари ҳамда “Навоий” ҚФЙга қарашли Ўчбулоқ қишлоғи аҳолиси вакиллари ичимлик суви таъминоти барқарор эмаслиги, айрим қишлоқларда эса умуман марказлашган сув тармоқлари мавжуд эмаслигини айтишди. “Навоий” ҚФЙ ҳудудидан келган фаоллар эса Шўрча қишлоғида электр тармоқларининг ҳолати талаб даражасида эмаслигини таъкидлашди. Шу билан бир-

га, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан ҳудудда амалга оширилаётган электр таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳани тўлиқ яқунлаш масаласи ҳам кўтарилди.

Пешоғор маҳалласи Соҳи қишлоғи аҳолиси эса суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш масаласида муаммолар юзга келаятганини билдиришди. Учрашув давомида, шунингдек, тиббий хизмат, спорт зали қуриш, ички йўллари таъмирлаш масалалари ҳам кўтарилди.

Аҳоли томонидан қилинган муносабатларнинг барчаси тегишли ташкилот мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинди. Уларнинг баъзиларига шу ернинг ўзига ечим топилиди. Масалан, суюлтирилган газ етказиб бериш билан боғлиқ муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Учрашув якунида депутат томонидан фуқароларнинг барча муносабатлари тегишли тартибда ўрганилиши, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар қўрилиши таъкидланди. Қолаверса, мазкур масалаларни ҳал этишда депутатлик назорати доимий равишда амалга оширилиши, аҳоли муносабатлари эътибордан четда қолмаслиги қайд этилди.

Холбек АСАТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши бўлим мудир

 O'zLiDeP ЛОЙИХАСИ

ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОР ЁШЛАР КўПАЙМОҚДА

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашида “Креатив тадбиркор ёшлар” лойиҳаси доирасида “Тадбиркор қизлар академияси”нинг навбатдаги йилги шайхона бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ёшларнинг креатив ғоялари ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни ишбилармонликка кенг жалб этиш ҳамда иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Анжуманда Қарши туман кенгаши депутати, “Нисо-голд-сервис” МЧЖ раҳбари Хайринисо Қурбонова, ёш тадбиркорлар Фотима Мирзапўлатова ва Гавҳар Усмонова, шунингдек, партия вилоят кенгашининг аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудир Зулхумор Шомаметова сўзга

чиқиб, мазкур лойиҳанинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, “Тадбиркор қизлар академияси” лойиҳаси ёшларнинг креатив ташаббусларини рағбатлантириш, уларга ишбилармонлик сир-асрорларини ўргатиш, иқтисодий билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу каби ташаббуслар ёшларнинг келгусида муваффақиятли тадбиркор бўлиб шаклланиши, бандлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

– Мазкур лойиҳа доирасида маҳалла ва қишлоқларда истиқомат қилувчи ёшларнинг креатив ғоялари ҳамда ишбилармонлик салоҳиятини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди сиёсий кучнинг Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудир Азиз Аҳмадов. – Уларга за-

монавий билим ва амалий кўникмалар бериб, маҳаллий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қўллаб-қувватлаш зарур. Бу орқали ёшларнинг иқтисодий жараёнда фаол иштирокини кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

Шунингдек, мазкур ташаббус Президентимиз томонидан белгиланган ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда маҳаллаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этаятгани алоҳида қайд этилди. Бундай лойиҳалар вилоятимизда иқтидорли ёш тадбиркорларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва янги ташаббусларга йўл очишда муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бизнес ғояларни шакллантириш, кредит олиш, лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари ҳамда замонавий бизнес кўникмаларини ривожлантириш масалалари юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида иқтидорли ёшлар томонидан тақлиф этилаётган лойиҳаларни қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларига кенг татбиқ этиш, уларнинг фермер ҳўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ташаббускор ёшларга амалий кўмак ва маслаҳатлар бериш юзасидан ҳам тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва замонавий иқтисодий кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳалар ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни муносиқли ҳаётга тайёрлаш ҳамда янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай ташаббуслардан бири сифатида O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Креатив тадбиркор ёшлар” лойиҳаси доирасида навбатдаги тадбир ташкил этилди.

Унда “Файз барака Хоразм” МЧЖ иш бошқарувчиси, ёш тадбиркор Худойшукр Қаддамбаев иштирок этиб, ўзининг иш фаолияти, тажрибаси ва эришган натижалари ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди. У тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнида учраши мумкин бўлган айрим муаммолар, бизнес-режа тузиш, бозор талабини чуқур ўрганиш, таваккалчилик ва масъулият каби муҳим омиллар ҳақида тўхталди.

Ёш тадбиркорнинг таъкидлашича, бугунги кунда рақобат кучайиб бораётган бозор шароитида муваффақият қозониш учун янгича фикрлаш ва креатив ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. Чунки замонавий тадбиркор фақат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасдан, маҳсулот турларини кенгайтириш, бозор талабига мос ра-



вишда янги ғоя ва ечимларни татбиқ этиши зарур.

Учрашув давомида Х. Қаддамбаев лимончилик тажрибалари ҳақида гапирди. Унинг айтишича, сифатли ва серҳосил маҳсулот етиштириш мақсадида Голландиядан юқори навли уруғлар олиб келиниб, илғор агротехнологиялар асосида парвариш қилинмоқда. Бу эса юқори ҳосилдорликка эришиш ва маҳсулот сифатини янада ошириш имконини бermoқда.

Ёш тадбиркорнинг креатив ёндашуви шундаки, у маҳсулотни фақат хомашё сифатида сотиш билан чекланиб қолмаган. Аксинча, қўшимча қиймат яратиш мақсадида цитрус меваларини қайта ишлашни ҳам йўлга қўйган. Айни пайтда лимон ва бошқа цитрус мевалардан мармелад, мураббо, лимон чипси, вакуум ҳолатида сақланадиган маҳсулотлар ҳамда қуритилган қоқи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу эса маҳсулот турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самара-

дорлигини ошириш ва бозорда рақобатбардошлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги кунда нафақат ички бозорда, балки хорижий давлатларда ҳам харидоргир. Хусусан, маҳсулотлар Россия ва Қозғоғистонга экспорт қилинмоқда. Бу эса маҳаллий тадбиркорнинг халқаро бозорга чиқиш имкониятига эга эканини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати эса юқори даражадалигини кўрсатади.

Учрашув давомида ёшлар ўзларини қизқитириган саволлар билан муносабат қилиб, тадбиркордан амалий маслаҳат ва тавсиялар олдилар. Бундай мулоқот ёшлар учун нафақат тажриба алмашиш, балки келгусида бизнес бошлаш учун муҳим илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати



ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ОДАМЛАР ТАҚДИРИ ТУРИБДИ

Мамакатимизда аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар мурожаатини ўз вақтида кўриб чиқиш ва муаммоларини манзилли ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, **Хаёқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилишга бағишланган видеоселектор йиғилишида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимининг бутунги ҳолати, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинган бежиз эмас.**

Бугун мам-лакати-миз аҳолиси 38 миллиондан ошди. Сўнгги тўққиз йилда аҳоли даромадлари икки баробарга ортди.

Маҳаллаларда инфра-тузилмани яхшилаш, халқ турмушини юксалтириш учун жорий йилда 56 трлн сўм маблағ ажратилмоқда. Албатта, бундай кенг кўламли ишлар инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга хизмат қилади. Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мавжуд имкониятларга қарамадан, айрим ҳудудларда аҳоли мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилмаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Шу боис бу тизимни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Аслида, бундан тўққиз йил аввал фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бугунгидек эътиборга олинган даражада изчил эмас эди. Кўплаб одамлар ўз муаммосини ҳал қилиш учун турли идоралар эшигини тақилла-тиб юришга мажбур бўлар, ариза ва шикоятлар ташкилотлар орасида ойнаб сарсон бўлиб юрарди. Бюрократик тўсиқлар ва расмийликлар фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишон-чига ҳам таъсир кўрсатган эди.

Шундай вазиятни тубдан ўзгартириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

тизимини тубдан такомил-лаштириш тўғрисида”ги фар-мони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Президент-нинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу эса фуқароларга ўз муаммоларини бевосита давлат раҳбари назоратидаги тизим орқали билдириш им-конини берди. Муҳим жиҳати шундаки, у фақат мурожа-атларни қабул қилиш билан чекланмайди, электрон му-урожаатлар, шахсий қабул-лар, сайёр учрашувлар ва марказлашган назорат меха-низми бирлаштирилиб, дав-лат ва жамият ўртасида очиқ мулоқот тизими шакллантирилди. Натижада давлат бошқарувида янги маданият – инсон манфаатлари усту-вор бўлган бошқарув тамой-или қарор топмоқда.

Рақамлар ҳам бу бо-рада амалга оширилаётган ишлар самарасини яққол кўрсатмоқда. Бир йил даво-мида ҳокимлар ва ташкилот раҳбарлари томонидан 97 мингдан ортиқ сайёр қабул ўтказилиб, 404 мингдан зиёд фуқаронинг мурожаати тинг-ланди. Уларнинг 571 фоизи ижобий ҳал этилган. 2025 йил давомида Президент Вирту-ал қабулхонасига 1 млн 216 минг мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 579 мингга-си ижобий ҳал қилинган. Бу кўрсаткичлар фуқаролар-нинг ушбу тизимга бўлган ишон-чи ортаётиришдан дало-лат беради. Ушбу жараёнда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қара-



Гулжан ХАЛМУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

тилмоқда. Ҳудудларда фуқа-ролар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати юзасидан Халқ депутатлари кенгашларига юзлаб ахборотлар кирити-либ, давлат органлари раҳ-барларининг ҳисоботлари эшитилаётгани муаммоларни тизимли равишда ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Янги ёндашувга кўра, Халқ қабулхоналари фақат ариза қабул қиладиган идора эмас, балки жойларда-ги муаммоларни таҳлил қи-либ, уларнинг сабабларини аниқлайдиган ва тегишли идоралар билан биргаликда ечим тақлиф қиладиган мар-казга айлантирилмоқда. Шу-нингдек, мурожаатлар билан ишлашда маҳалланинг масъу-лият ҳам оширилмоқда. Ал-

батта, ҳар бир мурожаат ор-тида инсон тақдир, дарди ва умиди турибди. Шу боис мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, муаммоларни жойида ҳал этиш давлат хиз-матчиларининг энг муҳим ва-зифаси бўлиб қолмоқда.

Парламент вакили сифа-тида биз ҳам аҳоли мурожа-атлари билан ишлаш тизими-ни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилиш йў-лида барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ин-тиламиз. Зеро, инсон қадр-и улуғланган, адолат ва қону-нийлик устувор бўлган жами-яни барпо этиш – Янги Ўз-бекистон тараққиётининг энг муҳим мақсадларидан бири-дир.

Юртимизда аҳоли билан мулоқот қилиш, мурожаатларини эшитиш ва уларни ҳал этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани натижасида давлат идоралари фаолиятида очиқлик ва жавобгарлик тобора кучайиб бораётгани қувонарли.

Айниқса, Президент Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона тизими бу борада мутлақо янги босқич-ни бошлаб берди: фуқаро-ларнинг муаммолари тезкор ўрганилган, манзилли ҳал этилаётган ва бу жойлардаги ҳолатни реал баҳолаш имко-нини беряпти. Бироқ муро-жаатларга ечим топиш билан унда кўтарилган муаммонинг туб сабабларини бартараф этмайди. Аслида, мурожа-тини кўриб чиқишигина эмас, балки унинг келиб чиқиш са-бабларини таҳлил қилиш ва тақдорларининг олдини олиш муҳимдир. Президент Шавкат Мирзиёев раисли-гида бўлиб ўтган йиғилишда

давлат бошқаруви ва жамият ўртасидаги мулоқотни яна-да мустаҳкамлаш жоизлиги айтилди. Бу ёндашув давлат бошқарувида мутлақо янги иш услубини талаб қилади. Чунки мурожаатлар шунчаки ариза ёки шикоят эмас, бал-ки жамиятдаги мавжуд муам-молар, аҳолининг эътиёж ва талабларини акс эттирадиган муҳим ахборот манбаидир.

Барчамиз гувоҳ бўлдик-ки, йиғилишда келтирилган рақамлар ҳам ушбу фикр-ни тасдиқлайди. Масалан, айрим ҳудудларда мурожа-атлар сонининг юқорилиги, баъзи соҳаларда эса улар-нинг тақририйлиги кўпайиб бораётгани жойлардаги му-аммоларни тизимли ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, энергетика, инфра-тузилма, бандлик, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда аҳоли мурожаатларининг кўпчили-ги маъмуриятнинг ишлари самарадорлигини янада оши-риш талаб қилади. Демак, Халқ қабулхоналарининг фа-олиятини таҳлил ва ечимлар марказига айлантириш, му-урожаатлар асосида соҳалар кесиминда тизимли чора-тад-бирлар ишлаб чиқиш жуда



Хуршидахон ХАЛИЛОВА, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутаты, O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим жиҳат – мурожаатлар билан ишлашда маҳалла институтининг ро-лини кучайтиришдир. Чун-ки кўплаб муаммоларни ай-нан маҳалла даражасида аниқлаш ва ҳал этиш мумкин. Бу эса аҳолига яқин бўлган тизим орқали муаммолар-ни эрта босқичда бартараф

этиш имконини беради. Де-путат сифатида биз ҳам жой-ларда аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг фикр ва тақлифларини ўрганиш ҳам-да кўтарилаётган масала-ларни ҳал этишда иштироки-мининг янада кучайтираман. Чунки халқ ишончи ва рози-лиги ҳар қандай фаолиятнинг энг муҳим мезонидир.

Беруний туманида ҳам фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр аҳолидан келиб тушган мурожаатлар-нинг асосий қисми коммунал хизматлар, йўл ва инфрату-зилма, бандлик, ижтимоий ёрдам ҳамда уй-жой масала-лари билан боғлиқдир. Улар-нинг катта қисми жойида ҳал этилган, қолганлари бўйича тегишли идоралар томонидан чоралар кўрилмоқда. Хусус-ан, бир қатор маҳаллаларда-ги ичкилик суви ва электр таъминоти билан боғлиқ му-

аммолар бартараф этилди, йўллар таъмирланди, кўча-лар ободонлаштирилди. Иш-сизларнинг бандлиги таъ-минланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга амалий ёр-дам кўрсатилмоқда.

Айни пайтда туманда аҳоли билан очиқ мулоқотни таъминлаш мақсадида мун-тазам равишда сайёр қабул, учрашув ва мулоқотлар ўт-казилмоқда. Бу эса фуқаро-лар муаммоларини жойида ўрганиш ва уларни тезкор ҳал этишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, мурожаатларни чуқур таҳлил қилиш орқали жойлардаги муаммоларнинг илдири аниқланиб, бартараф этилмоқда. Бу эса давлат идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш ва аҳо-лининг ишончини мустаҳкам-лашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда,



Рақима ЮЛДАШЕВА, Халқ депутатлари Беруний тумани кенгаши депутаты, O‘zLiDeP туман кенгаши аппарат раҳбари

аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомил-лаштириш – халқ манфаат-

ларини таъминлаш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар-ни тақдим этишдир.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида белгиланган молиявий йўналишлар ҳамда Марказий банк бошқарувининг асосий ставка бўйича сўнгги қарори иқтисодий сиёсатнинг изчиллигини яна бир бор тасдиқлади.



Хусан ЯРҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Марказий банк бошқаруви асосий ставка-ни йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2025 йилда умумий инфляция 9,8 фоиздан декабрь ойида 7,3 фоизгача тушиди ва прогноз доирасида бўлди. Бу инфляциянинг пасайиш траекторияси давом этаётганини кўрсатади. Бироқ хизматлар соҳаси-даги инфляция энергия тарифлари эркинлашти-рилишининг навбатдаги босқичи ҳисобига ошди. Истеъмол саватининг учдан икки қисми нархлари ошиши олдинги йилдагидан паст бўлди, нархлар барқарорлиги кенг қамровли тус олаётгани иж-обий баҳоланмоқда.

2025 йил якунлари бўйича иқтисодий ўсиш суръатлари 7,7 фоизни ташкил этди ва прогноз-лардан юқори қолди. Асосий капиталга инвестициялар юқори суръатларда ўсди. Аҳоли-нинг умумий даромадлари 18,9 фоизга, реал ҳи-собда эса 9,2 фоизга ошди. Тадбиркорларнинг аксарият қисми 2026 йилда ҳам фаолиятини кен-

Жорий йилда барча давлат хизматлари, ком-мунал тўловлар, ёқилғи, автомобиль ва кўчмас мулк савдоларини нақдсиз тўлов шаклига ўткази-ши белгиланди. Иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари банклар орқали амалга оширилган тўловлар ҳамда савдо-пуллик хизматлардан ту-шумлар динамикасида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу нақдсизлашув ишлаётганини амалда кўрса-тади. Ушбу йўналишни иқтисодий адолат нуқтаи назаридан тўлиқ маъқуллайди. Нақд пул иқтисо-дийети яширин даромад, солиқдан қочиш, рақо-батдан яшириниш деганидир. Бу эса виждонли тадбиркорга нисбатан адолатсизлик ҳисоблана-ди. Расмий секторда банд бўлган аҳоли сонини

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР

ЭРКИН БОЗОР, ҲИМОЯЛАНГАН ФУҚАРО, РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

гайтиришга ишонч билдирмоқда. Буларнинг бар-часи ислохотлар самарали кечаётганини кўрсата-ди.

Янгилашган прогнозларга кўра, 2026 йилда яппи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 6,5-7 фоиз атрофида бўлиши кутулмоқда. Мурожаатнома-да белгиланган 2026 йилда ЯИМни 167 миллиард долларга, 2030 йилда эса 240 миллиард долларга етказиш маррасига эришишнинг иқтисодий пой-девори мустаҳкамланмоқда. 2025 йил якунлари бўйича иқтисодийга ажратилган жами кредит-лар ЯИМ номинал ўсишидан юқори суръатда 35,8 фоизга ошиб, 390 трлн сўмни ташкил этди. Жами кредит қолдиғи 665 трлн сўмга етди, миллий ва-лютадаги кредитлар қолдиғи 22,3 фоизга ошди. Бу тадбиркорлик фаоллиги учун ижобий ёндашув бўлди.

Марказий банкнинг хавотирига кўра аҳоли-га ажратилган микрокредитлар ўсиш суръатла-рининг юқорилиги келгусида талаб томонидан инфляция босимларни ошириши мумкин. Шу сабабдан Марказий банк томонидан молиявий секторда тизимли хавфларни камайтиришга қар-ратилган чоралар кучайтирилди. Бу эса, фуқа-ронинг ўз имкониятидан ортиқ қарзга ботиб қол-маслиги учун ҳимоя ҳисобланади.

Президентимиз Мурожаатномасида таъ-кидланганидек, марказлашган маблағлар ҳисо-бидан тижорат банкларига ипотека ва истеъ-мол кредитлари, кичик ва ўрта бизнесга ресурс ажратилиши белгиланди. Шу билан бирга, қарз юки чеклови 50 фоизга туширилди. Бу икки йўна-лиш бўйича ресурс бериш ва чегара белгилаш бир-бирини тўлдирди. Бирини имкон яратса, ик-кинчиси сувиестемолдан сақлайди.

Шу маънода Ўзбекистон Либерал-демокра-тик партиясининг ташки бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши, экспорт тарки-бини диверсификация қилишни узулуксиз талаб қилиб келаётгани бежиз эмас. Мурожаатномада жорий йилда жами экспортни 40 млрд долларга, тайёр ва ярим тайёр маҳсулот улушини 55 фо-издан ошириш белгиланган эди. Аҳолининг реал ҳисобда даромади ошаётгани ва экспорт ҳажми ошаётгани эса ички талабни рағбатлантириш сиё-сати самара бераётганидан далолат беради.

Марказий банкнинг янгилашган макроиқти-содий прогнозларига кўра, 2026 йилда умумий инфляция 6,5 фоиз атрофида шаклланиши кут-тилмоқда. Базавий инфляция декабрда йиллик 5,7 фоизгача камайди. Истеъмол саватининг кенг қисмида нархлар барқарорлашаётгани ушбу прогнозга ишонч беради.

Мурожаатномада ҳам 2026 йилда инфля-ция даражасини 6-6,5 фоизга туширишга эри-шиш қайд этилган эди. Марказий банк прогнози ва ҳукумат мақсади бир-бирига мос бўлиб, мо-нетар ва фискал сиёсат уйғунлашганини, яъни ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилаётганини кўр-сатади. O‘zLiDeP бундай мувофиқлашган сиёсий ёндашуви ҳам маъқуллайди.

Президентимиз юқоридagi ҳужжатда, шу-нингдек, глобал депозитарийларни миллий фонд бозоримизга олиб кириш ва “Капитал бозори тўғрисида”ги янги қонунни тезда қабул қилиш-ни тақлиф этган эди. Маҳаллий компанияларга хорижий валютада облигация чиқаришга рухсат берилиши, корхоналарнинг халқаро бозорларда акцияларини жойлаштири олиши молиялашти-риш имкониятларини тубдан кенгайтиради. Тад-биркорга банк эшигидан ташқари яна бир муқо-бил йўл очилади.

Марказий банкда Финтех офиси ва Ин-новацион хабнинг ташкил этилиши, Сингапур мутахассисларининг жалб этилиши рақамли молиявий экотизимни жаҳон стандартлари да-ражасида ривожлантириш стратегия қаро-ри бўлди. “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун эса венчур фондлар ва стар-таплар учун ҳуқуқий замин яратди.

кенгайтириш ва яширин иқтисодийetni 2 қарра қисқартириш солиқ базасини кенгайтириб, дав-лат хизматлари учун молиявий асос яратди.

Мурожаатномада Президентимиз давлат кафолати остида ташқи қарз олиш масаласини атрофлича муҳокама қилиш ва маъқуллашни пар-ламент ваколатига ўтказишни тақлиф этди. Ушбу тақлиф ҳам партияимизнинг асосий тамойилла-ридан бири бўлиб, бу давлатнинг масъулиятини кучайтириш ва парламентаризмни ривожланти-риш нуқтаи назаридан муҳим деб баҳоланади. Уни назорат қилиш жамиятнинг вакили бўлган парламентнинг бевосита вазифасидир. Банк ти-зимининг барқарорлиги тадбиркорлик учун дол-зарб ҳисобланади. Марказий банк банкларнинг капитал ва ликвидлик буферларини мустаҳкам-лаш, риск-профилларини баҳолаш, йирик қарз-дорлар устидан мониторинг жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда. Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмагида ўтказил-ган Молиявий секторни баҳолаш дастури банк тизимининг халқаро майдондаги обрўсини тас-диқлади. Таваккалчиликка асосланган назоратни кучайтириш, Базель стандартларига мувофиқлик бу тизим нафақат банкларни, балки уларда пул сақлаётган оддий фуқарони ва кредит олган тад-биркорни ҳам ҳимоя қилади. Натижада банк ти-зимига ишонч ортади.

Сир эмас, рақамли молия хизматларининг кенгайтиши билан параллел киберхавфлилик хавфи ҳам ошди. Марказий банкнинг онлайн кре-дитлар бўйича қайта идентификация тартибни жорий этиши ва марказлашган антифрод тизи-мини ишга тушириши ақсар ҳолларда маблағлар-нинг фирибгарлар қўлига тушиб қолмайдиганли-гини таъминлайди. Рақамли идентификация инфратузил-масини кенгайтириш, Face ID технологиясидан фойдаланувчи банклар сонини ошириш молия-вий хизматларнинг демократлаштириди. Марказий банк “е-контракт” интеграцияси, “Matrix BI” ва Qlik Sense таҳлилий тизимлари орқали рақам-ли трансформацияни жаддалаштираётгани дав-лат-тадбиркор ҳамкорлигини янги сифат дара-жасига кўтарди. Шаффоф маълумотлар тизими коррупцияни тийиб, виждонли тадбиркорнинг йў-лини очди.

O‘zLiDePнинг мафкуравий тарғиботи зами-рида инсоннинг иқтисодий онги ва мустақиллиги ётади. Фуқаро тўғри молиявий қарор қабул қи-лиши учун унга билим ва маълумот зарур. Мар-казий банкнинг аҳоли ўртасида молиявий савдо-хонлиқни ошириш, омонатларни ҳимоя қилиш механизмларини тушунтириш борасидаги ишлари жамиятда иқтисодий маданиятни шакллантириш йўлидаги узоқ муддатли инвестиция бўлиб хиз-мат қилади. Бугун билимли фуқаро эртанинг фа-ол тадбиркори, масъулиятли қарз олувчиси, оқил инвестор бўлиб шаклланади.

Халқ вакили сифатида бир неча масала-да изланишларни чуқурлаштиришни зарур деб ҳисоблайман. Хусусан, ҳудудлардаги молиявий хизматлар қамровини тенглаштириш, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришни кучайтириш, ка-питал бозори ислохотини имкон қадар тезроқ амалга оширишни янада жаддалаштириш ло-зим бўлади. Марказий банкнинг жорий йилда-ги курси ўрта муддатли барқарорлик ва узоқ муддатли ривожланиш ўртасидаги мувозанатни топишга интилувчи пухта ислохотчилик страте-гияси бўлиб, бу йўлда давом этиш ва ҳар бир қарорнинг амалий самарасини мунтазам баҳо-лаш муваффақиятнинг калити бўлиб қолавера-ди. Зеро, кучли ва эркин иқтисодийёт фаровон жамиятнинг таянчидир.

Албатта, ислохотлар тасодифий эмас, улар-нинг ортида эркин бозор, ҳимояланган фуқаро, рақобатбардош иқтисодийёт турибди. Айнан мана шу мақсадлар партияимизнинг дастурий асосини ташкил этади. Шу боис бу йўлдаги ҳар бир қадам-ни ҳолис ва самимий қўллаб-қувватлаймиш.

ЖАРИМАЛАР ЖАРГА ЕТАКЛАМАЙДИ

АКСИНЧА, ҲАЁТИЙ ТАЛАБ ВА МЕЪЁРЛАРГА АСОСЛАНМОҒИ ЗАРУР

Жарима – белгиланган қонун меъёрларини бузган, ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий жазо тури. Сиз ҳайдовчи ўлароқ машинангиз тезлигини чекланган меъёрдан оширсангиз, албатта, жаримага тортиласиз. Кўча радарлар ёки ИПХ ходими илқидидаги ўлчов ускунаси йўл ҳаракати қонидасини бузганингизни қайд қилади ва маҳкамада ашёвий далил ўрнини босади. Ахборот технологиялари чўққисига чиққан замонда радар ускунасида “айб” излаш бефойда! Яхшиси, улорда йўлга чиқдингизми йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмоқ, оғир асоратларга олиб келувчи “тезликни ошириш” балосидан сақланган маъқул.

Қонунчилигимизда жарима жазоси қўллашда адолатли мезон бор. Масалан, ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаро айбига иқдор бўлса, йўл қўйган хатоларини тан олса, уни маҳалла фуқаролар йиғини ёки депутатлар кафолатига олса, жазо энг юқоридан энг куйигача туширилиши мумкин. Яна жарима жазоси тайинлашда судлар ҳуқуқбузарнинг ижтимоий аҳволи, оиласининг иқтисодий даражасини ҳам инобатга олади. Ва ҳатто жарима миқдо-

ми? Мен уйимда электр токидан фойдаланганим учун йил давомида энг кўпи билан уч миллион сўм тўлаб келаман. Бу пулнинг аксар қисми қиш ойларига тўғри келади. Баҳор, ёз ва куз ойлари эса ҳар ойда ўртача эллик-олтмиш минг сўмлик электр токи ишлатамиз...

Амакмининг ўғли томорқасини суғоришда ишлатадиган электр насос ҳар соатда 3 киловатт ток истеъмол қилади. Олти сотих ерни суғоришга уч киловатт электр токи етиб ортади. Баҳор, ёз ва кузнинг илк ойи, яъни бутун мавсумда томорқа кўпи билан йигирма марта суғорилади. Мевали дарахтлар борлиги учун элатимизда ҳеч ким томорқасига шולי экмайди. Майли, кимдир шולי экиди ҳам дейлик. Шולי кўчатланганидан токи пишиб етилгунча доимо сувга муҳтож. Бу шולי экилган далалар сабзавот ёки полиз маҳсулотлари парваришланаётган майдонга нисбатан тўрт-беш ҳисса кўпроқ сув истеъмол қилади дегани. Борингки, шולי эккан ва уни токи пишиб етилгунча (воҳада энг кўп экиладиган “Аланга” навли шולי 135 кунда пишиб етилади) ҳар кунни насос ҳайдади ҳам дейлик. Бу олти сотих томорқадаги шולי тагида доимо сув туриши учун мавсумда кўпи билан беш юз киловатт электр токи ишлатилди деганидир. Хўп, шולי-ни бостирди суғорди дейлик. Шундаям ишлатилган электр энергияси миқдори минг киловаттдан сал ошади, холос. Бир киловатт электр токи ҳақи 600 сўм туради ва лимитдан ошгани сари баҳоси юқорилаб боради, охири-оқибат киловатт соати минг сўмгача чиқади...

Хўш, бизнинг хомаки ҳисоб-китобимиз шундай экан, манави 174 миллионлик жарима қаердан келиб чиқди?

тузган электр таъминоти корхонаси эмасми? Шундай экан, беш йил давомида рўй берган узиллишлар вақти нега жарима миқдоридан чегириб ташланмайди?

Қолаверса, электр насослари туну кун тўхтовсиз ишлаш олмайди. Айниқса, ёз иссиғида ускуна қизиб кетиб, уни совитиш учун ора-чорада ўчириб туришга тўғри келади. Бу ёқда эса... насос бир йил тўхтовсиз ишлади деб отнинг калласидек жарима ёзиш инсофданми?!

Юқоридидаги ҳолат бўйича маҳалламиздан ўттиз нафар киши электр таъминоти идораси раҳбари номига илтимоснома ёзиб, вазиятга теран кўз билан қараш, шундоқ ҳам етти нафар оила аъзоси бўлган хонадонда ҳеч ким ишламаслиги, оила бошлиғи чорва моллари боқиб, томорқаси ва кўшимча ерида деҳқончилик қилиб зўрға рўзғорини тебратиб келаётгани, отнинг калласидек жаримани тўлаш учун яшаб турган уйини сотишдан бошқа чораси йўқлигини баён қилди. Мурожатимиздан сўнг жарима миқдори 33 миллион сўмга туширилди. Судгача бўлган даврда жариманинг бир қисми тўланса, енгиллик берилиши мумкинлиги боис оила бошлиғи бузоғини сотиб, жариманинг бир қисмини тўлади. Бироқ...

Бу ягона ҳолат эмас. Қиш ойларида уйини иситиш учун электр печкадан ноқонуний фойдалангани учун олти рақамли жаримага тортилганлар қанча. Уша тоқда қиздирадиган ускунанинг бир кеча-кундузлик ток истеъмоли юқорида ҳисоблаганимиз электр насосидан кўп эмас. Бир неча баравар камроқ ҳам.

Электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан ноқонуний фойдаланиш учун жарима белги-



рини тўлаш имкони йўқларга бошқа жазо турлари қўлланилиши мумкин, яъни маъмурий қамоқ жазоси...

Булар ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига тўла мос келади. Энг асосийси, бизда инсонпарварликка асосланган сиёсат амалда эканлигиндир.

Ва яна ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қондаларини бузганлиги учун жарима миқдорлари аниқ белгилаб қўйилган. Ҳуқуқбузарликлар учун БҲМнинг бир миқдоридан юқорилаб бориши ҳам маълум. Суд жарима қўллашда вазият ва ҳолатдан келиб чиқиб, мустақил қарор чиқариш ҳуқуқига эга. Аммо...

...Қиш охирида олти сотих томорқаси шўрини ювиб, картошка экишга чоғланган амакмининг ўғли бошига оғир ташвиш тушди.

Воқеа тафсилотини ўзидан эшитайлик: “Шу кунни кўвдимиз келин тушираётганда. Бу ёқда аёлим картошкани қачон экамиз, деб кунда эсга солавергани учун ўғлим уйимиз ёнидан оқиб ўтувчи ариққа ўрнатилган сув чиқариш насосини эндигона ишлатган вақти электр назоратчилари келиб қолган. Ҳали бир сотихча ерига сув кирмаган бўлса-да, нақд 174 миллион сўмлик жаримани елкамизга илишибди. Улар яна уйимиздаги совитгич, телевизор ва чирокларни ёқиб, ишлатиб, суратга олиб, бир вақтда фойдаланган деб баённома тузишган. Тўғри, ўғлим электр насосини ҳисоблагич ўрнатилмаган ҳолатда ишлатиб, хатоликка йўл қўйган. Энди инсоф билан қарайдиган бўлса, шунча жарима қўллаш мумкин-

Жабрдийда яна куйинади: “Бунча жарима қаердан пайдо бўлди, деб электр таъминоти идораси масъулидан сўрадим. Унинг айтишича, ишлатилган ускунанинг бир суткалик ток истеъмоли беш йилга кўпайтирилиб, чиққан миқдорнинг уч қарраси-ча жарима ёзилар эмиш. Мен буни тасаввур қила олмадим. Умрим охиригача ҳам шу миқдорча токни оилам истеъмол қила олмайди-ку!”

...Ўтган йили қишлоғимиздаги фермер фойдаланаётган сув насоси электр ҳисоблагичида носозлик борлиги аниқлашиб, у 102 миллион сўм миқдорда жаримага тортилганди. Бу насос салкам олти сотих гектар ер майдонидаги экинларни суғоришга мўлжалланган. Жарима миқдори ҳам айнан шу гектарлар ҳисобидан келиб чиққан.

Энди ҳисоблайлик: амакмининг ўғлига тегишли олти сотих томорқа қайда-ю фермернинг бундан юз қарра кўп – олти сотих гектар ери қайда? Жарималар ўртасидаги фарқ эса еру осмонча...

Жарима миқдори муайян электр ускунасининг бир суткада қанча ток истеъмол қилишидан келиб чиқиб, беш йиллик истеъмолга кўпайтирилиши ва яна шунинг учун баравари даражасида бўлиши амалиёти ҳақида айтдик. Майли, бу белгиланган тартиб дейлик. Аммо бу ерда ҳам адолатсизлик бор. Негаки, қишлоқ жойларда электр таъминотида узиллишлар мунтазам рўй бераётгани табиий ҳол. Баъзида бу каби асаббузарликлар бир неча соатларга чўзилади.

Бунинг учун ким айбдор? Электр энергияси етказиб бериш тўғрисида фуқаро билан шартнома

ланиши тўғри. Бунга заррача қаршилигимиз йўқ. Аммо бу каби жарималарни белгилаш билан боғлиқ тартиб ва меъёрларни қайтадан кўриб чиқиш вақти келди.

Ҳар нарасида меъёр, асос ва адолат бўлмоғи лозим.

...Мақола чоп этишга тайёрланаётган вақтда расмий сайтларда электр ёки газга ноқонуний уланганлик учун жазо қўйирилиши, яъни “Жиноят кодекси” ҳамда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани хабари пайдо бўлди. Янги тартибга кўра: фуқароларга БҲМнинг 15-20 баравари, мансабдор шахсларга 25-30 баравари миқдорда жарима белгилаш, агар қоидабузарлик яна такрорланса, жарима миқдори янада ошиши ва ҳатто маъмурий қамоқ, жамоат ёки ахлоқ тузатиш ишларига тортишни назарда тутган жазо турлари кўзда тутилган.

Хабардан англашилдики, оширилган жарима миқдори фуқаролар учун энг кўпи билан 9 миллион сўм атрофида бўлади. Бу юқоридидаги амалиёт: беш йиллик эҳтимолий истеъмолнинг уч баравари миқдоридида жаримага қўшимча ёки қоидабузар шу жарима билан қўтилиб қўяқоладими?

Қолаверса, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки қоидабузарликка фақат битта жазо қўлланиши керак деган қоида ҳам бор-ку!

Яна билмадик...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази биносида мамлакатимиз энергетика соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири – гидроэнергетика тармоғининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг асосий драйверларидан бири ҳисобланган энергетика тизимини изчил ривожлантириш, мавжуд қувватларни мустаҳкамлаш ва янада ошириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда қайта тикланувчи энергия манбалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шундай муҳим манбалардан бири бўлган гидроэнергетика сўнгги йилларда жадал тараққий этиб, иқтисодиётимизда самарадор ва барқарор тармоқ сифатида шаклланиб бормоқда.

Айниқса, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик

Жорий йил режалари эса янада улкан. Масалан, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини камида 15 фоизга ошириш, 264 миллион долларлик инвестицияни ўзлаштириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 935 миллиард сўмга етказиш кўзланмоқда. Шунингдек, умумий қуввати 152 мегаватт бўлган 15 та янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳамда 276 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Соҳадаги яна бир муҳим йўналиш – маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳисобланади. Бу борада Бўстонлик ту-



жамияти томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлар, янги гидроэнергетика объектларини барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш орқали соҳада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Яратилган қўшимча қувватлар эса гидроэнергетика салоҳиятини нафақат барқарор сақлаш, балки уни йил сайин изчил равишда оширишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти масъуллари, соҳа мутахассислари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президент ташаббуси ва тегишли қарор асосида 2017 йилда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил этилган бўлиб, ушбу қарор гидроэнергетика соҳасини тизимли ривожлантириш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва янги қувватларни барпо этишда муҳим ҳуқуқий ва амалий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадбирда тилга олинган айрим рақамларни келтирамиз: бир пайтлар республикада жами қуввати 1 604 мегаватт бўлган 36 та гидроэлектр станция фаолият кўрсатар эди. Сўнгги йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари натижасида қўшимча 800 мегаватт қувват яратилди ва умумий қувват 2 400 мегаваттга етказилди. Бугунги кунда эса мамлакатдаги гидроэлектр станциялар сони 100 дан ошгани соҳадаги ўсиш суръатларини яққол намоён этмоқда.

Ўтган давр мубайнида 13 та мавжуд гидроэлектр станция модернизация қилинди, 64 та янги объект фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб этилди.

Ўтган йил якунлари ҳам чаккимас: 6,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Давлат инвестиция дастури доирасида 237 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўзлаштирилди. Шу билан бирга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 700 миллиард сўмдан ошди.

манида гидроагрегатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “UzHydroPower” қўшма корхонаси ишга туширилди. Унда қуввати 1 киловаттдан 40 мегаваттгача бўлган гидроагрегатлар ва зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳа доирасида 300 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, сув омборлари ва гидроэнергетика объектларида рақамлаштириш ва автоматлаштириш ишлари кенг жорий этилмоқда. Хусусан, Ягона вазиятлар маркази ташкил этилди ва 4 700 дан ортиқ автоматлаштирилган назорат-ўлчов қурilmалари орқали сув ресурсларини онлайн мониторинг қилиш имконияти яратилди.

Истиқболли лойиҳаларни шакллантириш мақсадида Жамиятда “лоийҳалар фабрикаси” ташкил этилган бўлиб, умумий қуввати 3,2 гигаватт бўлган қарийб 50 та лойиҳа устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда ҳам “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг нуфузи ортиб бормоқда. Жумладан, 2025 йилда жамиятнинг халқаро кредит рейтингини “BB-” даражасидан “BB” даражасига кўтарилди. Шунингдек, Коррупцияга қарши бошқарув тизими (ISO 37001) ва хатарларни бошқариш бўйича (ISO 31000) халқаро стандартларга бўйича сертификатларга эга бўлди. ESG халқаро рейтингини 79 балл билан Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткич қайд этилди.

Албатта, бундай ютуқлар халқаро инвесторлар ишончини янада мустаҳкамламоқда. Бугунги кунда АҚШ, БАА ва Хитойнинг йirik молиявий институтлари томонидан мазкур жамият лойиҳаларини тўғридан-тўғри молиялаштиришга қизиқиб билдирилмоқда.

Матбуот анжумани давомида мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бериб, соҳада амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режалар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот тақдим этди.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
“XXI asr” мухбири

ИСЛОХОТ

Фермер ишлайдиган, яшайдиган замон келди

Сўнги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоғи – қишлоқ хўжалигини замонавий, рақобатбардош ва самарали тизимга айлантиришга хизмат қилади.

Биринчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда, ердан фойдаланиш ва маҳсулот етиштиришда уларга улкан имкониятлар берилляпти. Соҳага рақамлаштириш кенг жорий этилмоқда. Илгари асосан пахта ва ғаллага иختисослашган тизим ҳозирги кунда боғдорчилик, сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари ҳисобига диверсификация қилинмоқда.

Фермерлар фаолиятига маъмурий аралашув камайтирилди ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатланмоқда. Янги тизимда ерларни ажратишда шаффофлик таъминланиб, фермерларга электрон аукцион орқали ерни эркин сотиб олиш имконияти берилди ва ижара ҳуқуқи қонуний ҳимоя қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони фермерлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни захирада турган ҳолда ҳам очик электрон аукцион орқали сотиб олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, фермерларнинг ижара ҳуқуқлари Кодекс даражасида мустаҳкамланди. Ер кодексининг 36-моддасига кўра, ердан фойдаланувчининг ижара ҳуқуқи фақат унинг аризаси ёки суд қарори асосида бекор қилиниши мумкин. 2022 йилдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тугатиш учун ҳеч қандай бошқа ҳужжат ёки орган қароридан фойдаланиб бўлмайди.

Иккинчидан, фермерлар ўз ерларига экинларни мустақил жойлаштириш имконига эга бўлди. 2026 йил ҳосилдан бошлаб фермерлар, кластерлар ва бошқа қишлоқ

хўжалиги ташкилотлари экин турларини “Агропортал” орқали мустақил равишда белгилайди. Давлат органлари томонидан экинларни тўғридан-тўғри белгилаш амалиёти бекор қилинди ва барча маълумотлар рақамли платформада шаффоф юритилади.

Фермерлар учун имтиёзли кредитлар ажратиш жараёни ҳам соддалаштирилди. Эндиликда улар туман ҳокимликлари ва қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан ўз ихтиёрига қарши келиши ёки маълумотнома олишга мажбур эмас. Бу эса молиявий ресурсларга мустақил кириш имкониятини кенгайтиради.

Учинчидан, фермерлар фаолияти эркинлиги таъминланди. Давлат буюртмаси асосида пахта ва бугдой етиштириш ва харид нархини белгилаш амалиёти бекор қилинди. Маҳаллий ҳокимият органларининг фермерлар фаолиятига аралашуши тақиқланди, ноқонуний чақирғи ва босимлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шу билан бирга, фермерлар ўз хўжалигида агротехник тадбирларни эркин ўтказиши ва маҳсулотини бозорда мустақил сотиши мумкин.

Шу тариқа, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар фермерларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини мустаҳкамлайди, рақобатбардошликни оширади ҳамда қишлоқ ҳудудларида иқтисодий фаолликни кучайтиради. Янги тизим фермер учун ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий жиҳатдан барқарорлик яратади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида улкан ислохотлар амалга оширяпти. Хусусан, пахта хомашёсини етиштириш ва сотиш тизими ҳам замонавий ва эркин бозор шартларига мослаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, пахта хомашёсини етиштирувчи хўжаликлар ва кластерлар ўртасида фьючерс шартномалари асосида келишувлар тузилади. Бу шартномалар ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасининг “Пахта хомашёси секцияси”да савдолари натижасига кўра амалга оширилади.

Шартномага мувофиқ етиштирилгандан ортиқча пахта

хомашёси фермерлар томонидан биржа орқали тадбиркорлик субъектларига сотилиши ёки қайта ишланиши мумкин. Бу тизим фермерларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтиради.

Фермерлар учун яна бир қулайлик – ҳар бир тонна пахта хомашёси учун субсидия ажратилиши. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 декабрдаги “Пахта хомашёсини муқобил манбалар ҳисобидан молиялаштираётган қишлоқ хўжалиги субъектларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 771-сонли қарорига мувофиқ, биржа савдолари орқали сотилган ҳар тонна пахта учун бир миллион сўм субсидия берилади. Ҳозир фермерлар ҳар бир ҳудудда фаолият юритаётган 15–20 та кластер орасидан исталгани билан шартнома тузиш имконига эга. Масалан, Қашқадарёда 15 та пахта-тўқимачилик кластерлари иш олиб бормоқда ва фермерлар улар билан ихтиёрий келишган ҳолда биржа савдолари орқали шартномаларини тузиб фаолият юритмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “Пахта хомашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, биржа пахта толасининг Нью-Йорк биржасидаги фьючерс котировкаларининг охириги 6 ойдаги ўртача нархи асосида келгуси йил ҳосили учун бошланғич нархни эълон қилади. Фермерлар эса ҳудудий миқёсдаги харидорларни эркин танлайди, фьючерс шартномалари 1 ноябрдан 1 июнгача тузилади.

Янги тизим фермерларга ҳосилдорликни ошириш ва харажатларни камайтириш имкониятини ҳам беради. Агротехнологиялар асосида пахтачилик 76-схема бўйича кенг қўлланилади, 891 минг гектарда мазкур схемага асосан етиштириш олиб борилади. Қўсақ курти, гербицид ва сувсизликка чидамли хорижий навлар майдони 500 минг гектарга етказилади. Томчилаб суғориш технологияси учун 2,6 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади, шунингдек, фермерлар ҳосилнинг 5–10 фоиз субсидиясини олади.

Жабҳада сув ҳисобини электронлаштириш ҳам йўлга қўйилди. “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва фермерларга электрон тарзда маълум қилинади. Республикада жами 2,8 миллион гектар майдонда сув тежовчи технологиялар

жорий қилинди, лазерли текислаш эса ўсув даврида 15–20 фоиз ҳосилдорлик ошишига имкон берди.

Фермерларга кооперативлар ташкил этиш имконияти ҳам берилди. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 8 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонунига асосан фермерлар ихтиёрий равишда кооперативларга кириши ёки чиқиши мумкин. Республикада пахтачилик йўналишида 92 та кооператив фаолият кўрсатмоқда. 2025 йилда 72 та кооператив билан 765 та фермер хўжалиги ўртасида биржа савдолари орқали 96 минг тонна пахта хомашёси тўғридан-тўғри етказилди.

Фермерларнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳам мустаҳкамланди. Ўзбекистон фермерлари кенгаши фермерлар ва кооперативлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун судларда давлат божи тўламасдан даъво аризалари киритиш ва суд муҳокамасида қатнашиш ҳуқуқига эга. 2025 йилда кенгаши судларга киритган 3 336 та даъво аризасининг 62,5 фоизи қаноатлантирилди ва фермерлар 8,4 млрд сўм маблағни тежаб қолди.

Янги тизимда фермерлар қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар бўйича сиёсий мулоқотларда фаол иштирок этади. Мисол учун, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида фермерлар ҳамда давлат органлари ҳамкорлигида очик мулоқотлар ўтказилди, 156 та таклиф йиғилди ва улар асосида норматив ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Фермерлар учун очик онлайн мулоқот тизими ҳам йўлга қўйилди. “Fermar minbari” телеграм гуруҳи орқали 2025 йилда 2 616 та, 2026 йилнинг 2 ойида эса 187 та муурожаат келиб тушди ва кўтарилган масалалар ижобий ҳал қилинди. Мисол учун, фермер хўжалиги бошлиғини оила аъзоларидан бирига ўтказиш тартиби соддалаштирилди.

Шу билан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда фермерлар фаол иштирок этаётгани кўринади. Янги тизим фермерларга ҳуқуқий, молиявий ва технологик жиҳатдан барқарорлик яратади, даромадини ошириш ҳамда самарали ишлаш имкониятини таъминлайди.

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши
раиси ўринбосари

Табрик

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

мамлакатимиз аҳлини тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик дини бўлган Ислоннинг муқаддас айёмларидан бири – Рамазон ҳайити ҳамда чин маънода халқ байрами – Наврўзи олам муносабати билан самимий муборакбод этади!

Икки қўшалок байрамнинг кетма-кет келиши камдан-кам кузатилади, албатта. Демак, бу Ватанимиз тинч-осойишталиги, халқимиз фаровонлиги, бахтли-саодатли ҳаётимизни кафолатлайдиган ўзига хос муждадир. Кейинги йилларда азалий қадриятларимиз, боқий анъаналаримиз тобора мустаҳкамланиб, нуфузи ошиб бормоқда. Буларнинг бари Ўзбекистонимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар билан уйғун ва муштарак эканини бутун дунё эътироф этмоқда.

Партияимиздан парламент ҳамда маҳаллий кенгашларга сайланган фидойи депутатлар, фаолларимиз, ушбу сиёсий кучнинг таянч нуқтаси ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларидаги қалби уйғоқ аъзоларини ҳам ушбу шуқуҳли байрамлар билан чин юракдан қутлаймиз. Оилалар хотиржам ва бутун бўлмоғини тилаймиз.

Инсон қадрини улуғлайдиган савобли ишларимиз бардавом бўлаверсин, азизлар!

Реклама

Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRO'Z

muborak bo'lsin!

www.brb.uz 1254

ХУҚУҚ

ОИЛАНИ БУЗМАЙДИ, АҚСИНЧА, МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Нотариуслик касби ўзига хос – масъулиятли ва мураккаб. Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш жараёнининг электрон тизимга ўтказилиши улар фаолиятини анча енгиллаштириб, вақт тежалишига сабаб бўлди.

Илгари бир қатор журналлар ва реестр китобларини қўлда тўлдириш, ҳар ойлик ҳисоботларини юритиш кўп вақт талаб қилар эди. Ҳозирда эса ҳамкасбларимиз ушбу қимматли вақтларини фуқароларга ҳуқуқий кўмак бериш билан боғлиқ фойдали ишларга сарфлашмоқда. Чунки улар ҳар қандай нотариал ҳаракатни амалга

бўлгани сир эмас. Эр-хотин ўртасида бундай шартномани расмийлаштириш ҳолатлари жуда кам учраб эди. Бунинг асосий сабаби, никоҳ шартномасининг асл мақсади ва мазмун-моҳияти тўлиқ англаб етилмаганида эди. Айниқса, аёллар орасида “эр никоҳ шартномасини расмийлаштирмакчи экан, демак, ажрашмоқчи” деган нотўғри қараш, шубҳалар бўлган. Ваҳоланки, илгари ҳам, ҳозир ҳам бу ҳужжат оиланинг ҳуқуқий манфаатларини тартибга солувчи муҳим битим ҳисобланади. У эр ва хотиннинг ўзаро келишувига асосланиб, уларнинг қайси манзилда яшashi, меҳнат фаолиятини қандай тарзда амалга ошириши, мавжуд ва бўлғуси мол-мулкка эгаллик қилиш тартиби, ўзаро моддий таъминот, оила харажатларини кўтариш, бир-бири-



оширишда тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқ ва синчиклаб ўрганиши, шунингдек, фуқароларга ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши лозим.

Шу ўринда никоҳ шартномасининг нақадар муҳим битим эканига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Узоқ йиллар давомида нотариуслар ва ҳуқуқшунослар томонидан олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида фуқаролар никоҳ шартномасининг асл мазмун-моҳиятини энди тўғри тушуниб, амал қилишга ҳаракат қилишмоқда. Шу сабабли бундай битимларни тузиш ҳолатлари кундан-кунга ортиб бораётгани, албатта, қувонарли ҳолат. Сабаби, яқин вақтларгача ҳам аксарият одамлар никоҳ шартномаси ҳақида нотўғри тушунчага эга

нинг даромад манбаидан хабардор бўлиш, шунингдек, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш каби масалалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Шу билан бирга, ушбу шартномага ажримдан сўнг икки тарафга тегишли бўлган мол-мулкни аниқ белгилашга оид қоидаларни ҳам киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ шартномаси оилавий муносабатларни бузмайди, аксинча, уларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Даврон КУРБАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Кўнғирот туманида хусусий амалиёт
билан шуғулланувчи нотариус

**Бердақ номидаги
Қорақалпоқ давлат университети
жамоаси**

Барча юртдошларимизни ҳамда ўзларининг ҳалол меҳнати билан элимиз орасида қадр, обрў-эътибор топиб келаятган устоз ва мураббийларни энг улуг ва шуқуҳли байрамларимиз – Рамазон ҳайити ҳамда Наврўзи олам билан самимий табриқлайди!

Шундай қутлуг айёмда Сиз, азизларга кўнглимизда, юрагимизда айтар сўзларимиз кўп: айниқса, устозлар бу дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий мерос – ақл-заковат ва илм, ибратли тарбияни ёш авлод қалбига синдиришидек машаққатли вазифани шараф билан адо этишида фидойилик намуналарини кўрсатиб келмоқда. Янги Ўзбекистонимиз, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишида соҳамиз вакилларига Яратгандан куч-қувват, метин ирода, боқий умр тилаймиз. Қадрингиз ва қаддингиз ҳаминша баланд бўлсин, азиз ватандошлар!

QADIRIYATLARINI MANGI BOLSM, Nawriz!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ**

Ўзбекистон халқини бутун ислом оламида нишонланаётган улуг айём Рамазон ҳайити ҳамда қадимий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади!

Ушбу шуқуҳли байрамлар ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик ва бахт олиб келсин. Баҳор нафаси билан она заминимиз янада яшнаб, меҳнаткаш деҳқон ва фермерларимизнинг ҳалол ва баракали заҳмати туфайли далаларимиз файзли, ҳосилларимиз мўл-кўл, дастурхонларимиз тўкин бўлаверсин.

Яратган эгам юртимизга доимо файз-барака, меҳр-оқибат ва ризқ-насибани зиёда этсин. Барчамизни юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада бирлаштириб, ҳар биримизга куч-қувват, гайрат ва муваффақият ато қилсин. Хонадонингиздан файзу барака, қалбингиздан шуқроналик, юрагингиздан эзгулик аримасин! Барчамизга янгиликлар, яшарини ва эзгулик байрами қутлуг бўлсин!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЙ МЕРОС АГЕНТЛИГИ
РЕГИСТОН АНСАМБЛИНИ ТАЪМИРЛАШ
ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИРЕКЦИЯСИ**

юртдошларимизни маънавий покланиш, сабр-қаноат, шуқроналик, хайру саховат ойининг ниҳояси – Рамазон ҳайити ҳамда миллий анъана ва қадриятларимизни ўзига акс эттиргувчи янги кун, янги мавсум уйғониш фасли бўлмиш Наврўзи олам билан қутлайди!

Яшаётган умримиз, ҳар бир кунимиз Йилбошидек шуқуҳли, гўзал, файзли ва мазмунли ўтмогини Яратгандан тилаймиз. Шарқона Янги йил барчангизга муборак бўлсин!



“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси


барча ватандошларимизни улуғ айём — Рамазон ҳайити ҳамда эзгулик, янгилиниш ва баракот рамзи бўлган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

Ушбу қўшалоқ байрамлар қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга файзу барака, юртимизга тинчлик-осойишталик ва фаровонлик олиб келсин.

Табиат уйғониб, замин янгиладиган ушбу гўзал баҳорий фаслда Йилбошининг дилбар нафаси юртимизда янада улкан ютуқлар, барқарор тараққиёт ва халқимиз бахту саодати йўлида хизмат қилмоғи шубҳасиз.

Меҳр-оқибат, аҳиллик ва бағрикенглик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлайдиган бу файзли айём ҳар бир оилага қут-барака, тўкин-сочинлик, соғлиқ-саломатлик ва оилавий бахт-саодат бағишласин.

Рамазон ҳайити ва Наврўзингиз муборак бўлсин, азизлар!



Реклама

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ жамоаси

барча гортдошларимизни меҳр-оқибат, бағрикенглик, саховатпешалик рамзи бўлган Рамазон ҳайити ва Наврўз айёми билан қутлайди!

Қадимдан маълум, она заминимиз лафзи ҳалол дехқон ва миришкорларнинг заҳматли меҳнати ортдан гўлаб-яшилган.

Эрни азиз деб билган инсонларнинг фидокорона хизмати туфайли халқимиз дастурхони тўкин, ризқи бутун бўлган.

Шунингча, мустақиллик даврига келиб тарихий эhtiман минглаб фермер ва дехқон хўжаликлари, томирқачиларнинг мамлакатимиз тараққиётидан ҳиссаси беқиёс. Кейинги йилларда улар эришадиган муваффақиятлар янада улкан ва салмоқли.

Фермер ва дехқонларимизни ҳар қанча алқасак, оққилласак, шунча кам. Чунки энди ерла бўлган муносибат тубдан ўзгарди, қолаверса, давлатимиз томонидан дехқоннинг қадр-қиммати ҳам тоқсалди. Бу ёрада кенгашимиз ҳам фидойилик намуналарини кўрсатаётган фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида яшаб, ўзларининг самарали меҳнати билан халқимиз, Ватанимиз фаровонлигини таъминлашдек машаққатли вазифани шараф билан адо этаётган фермер ва дехқонларимиз учун бу йилги Наврўз ҳам хайрли ва баракали келсин!



Реклама



“СУРХОНДАН СҮЙЛАНГ, АБДУРАСУЛ!”

“Хуррият” мустақил газетаси бош муҳаррири, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмалари аъзоси, таниқли публицист, шоир Абдурасул Жумакуловнинг ҳатто ўзиям эслолмайдиган, унутиб юборган айрим воқеалар эсимга тушди!

...1998 йил апрель ойлари. “Халқ сўзи”да ишлардим. Ҳафтанинги январда туркий халқлар оғзаки ижодининг энг нодир мероси бўлмиш “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида президент қарори эълон қилинган ва туркум мақолалар тайёрлаш учун Термизга жўнаб кетдим. У ёқда вилоят муҳбиримиз, дарёдил инсон Олимжон Усановдан бошқани деярли танимайман. Тасодифни қарангки, кутилмаганда ҳокимликдан шошилиб чиқиб кетаётган бир йигит бирдангина ортага қайрилиб, “Э, Норқобил ака, сизмисиз, мен Абдурасулман, қандай шамоллар учирди бу ёқларга, қани кетдик”, дея қўлтиғимдан судраб машинасига ўтқазди. Олимжон акаям хайрон бўлганча, “Хой, укажон, меҳмон бизники ахир, бир оғиз сўрамайсизам-ай!”, деса-да, у кишиниям ичкарига тортиди. Йўл-йўлакай сафарим мақсадини эшитгач, чой-пой ичмаймишми, деди. Соатимга қараб, кейинроқ, ҳозир қаерга кетяпмиз, десам, “Алпомиш”ни Шафоат домладан ортиқ билладиган одам бу дунёда йўқ, тўғрими, Олимжон ака, ҳозир топиб бераман сизларга, дея шоир ишлайдиган Термиз давлат университетига кириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, иккови кулиб чиқиб келишди ва Абдурасул менга қараб: “Сизларни энди ишончи ва тирик энциклопедист қўлига топширдим, акалар, кечқурун кўришамиз”, дея хайрлашди...

Шу куни атоқли шоир, моҳир мусиқашунос олим, халқ оғзаки ижодининг ҳақиқий билимдони Шафоат Раҳматулло Термизий (минг афсуски, нафақат Сурхон адабий муҳити, балки ўзбек адабиёти ва санъатида муносиб ўрни бўлган бу инсоннинг беқисс хизматларини кейинги йилларда андак унутиб қўйгандекмиз) билан кечгача “Алпомиш” достони ҳақида узоқ гаплашдик. Сўнг ўзларининг гўзал сулоласи қолдирган бой мерос ва ўша пайтлари ҳаёт бўлган ўт-кир бахшилар ва улар орасида қай бири кучлироқ эканини ўсмоқчилаб сўрайман устоздан. Қўлфи-дили очилиб кетди домланинг: “Менданмас, ишонмасангиз, ана, ёнингиздаги Усанов малимдан сўранг, айтиб беради бизнинг оиламиз ҳақида. Катта акам Бобоқул бахши Раҳматулло ўғли дўмбирани маромига етказиб, маҳорат билан чалар эди. Уруш курган одам эмасми, бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни дoston қилиб қуйлар, бир давра одамни ҳам қулдириб, ҳам йиғлатарди. Кичик акам Чоршам бахшини эшитгандирсиз, бутун улус биларди, муштдайлганидан терма қўшиқ тўқиб, дўмбирадан ажралмай қолган эди. Шерободлик машҳур Мардонқул бахши Авлиёқул ўғлидан кўп сабақлар олди ва эл орасида доврўқ қозонди. Хўш, энди ўзимга келсак, менинг биринчи устозим дўмбирга бўлган! Алпомиш эди менинг қаҳрамоним!.. Бахшиларнинг энг зўри эса, мавриди келди айтишнинг сизга, барибир деҳқонobodлик Қодир бахши эди, укажон! Яна ўн йилгина яшасайди, “Алпомиш”га ҳайкал қўрайди!..”

Шу ерга келганда Олимжон акаям бош чайқаб қўйди: “Ҳақ рост, домла, менимча, “Алпомиш”нинг энг халқлик вариант Қодир бахши билан кетди-ёв? Энг алам қиладиган жойи, мен сизга айтишнинг бир гапни, ёнингизда юрган бахшининг буюк хазинасини бирор видео ё магнит лентасига тўлиқ ёзиб оламиз. Суриштираман эртага, Қумқўрғондами ё Жарқўрғондами, бир ҳақиқий фанат одам магнитфон кассетасига тўлиқ ёзиб олган, деган гапни эшитувдим, топилса зўр иш бўлар эди-да. Ана шунда “Алпомиш” достони минг эмас, тўрт-беш минг йил бурун пайдо бўлган ҳақиқат ўз иботини топармиди?..”

Устоз жўшиб гапирётган пайт эшик қарчилиб очилди ва Абдурасул кирасолиб: “Э, устозлар, қани кетдик, энди бир пайла чой устида Алпомишдан сўзлашасизлар”, деб ташқарига чорлади.

Гавжум чойхона тўрида сўхбат яна қизиди. Шафоат акадай олим одам адабиёт, халқ достонлари ҳақида жўшиб сўзлар экан, Абдурасул ҳам бўш келмас, “Алпомиш” туркумига кирувчи достонлардан айримларини номма-ном айтиб, қайси бахшилар тўлиқ вариантини билиш-билмаслиги ва қайсилари шу вақтгача сақланиб қолганини санаб кетди. Бу борада мутахассис олимлар томонидан ёзиб олиниб, чоп этилган айрим китоблардаги хато-камчиликларни ҳам қистириб ўтди. Унинг кескин мулоҳазаларини эшитиб ўтирган Шафоат ака бўлса кулимсирганча, “Кўрдингизми, бизнинг қандай алпомишпарвар журналист укаларимиз бор, ҳамма айтганлари, афсуски, рост. Халқнинг мулкани халққа қайтариш осонмас”, деди.

Уч кун қандай ўтиб кетди, билмайман. Абдурасул эса Денов, Қумқўрғон, Қизирик, Бойсун, Шеробод ва яна қанча туман-кишлоқларга мен билан эринмасдан, ҳамма ишларини ташлаб борди. Ва қайси бахши қаерда яшаси, қандай иқтидор ва салоҳиятга эга эканигача билишидан ҳайратга тушдим. Олимжон ака бўлса мийиғида жилмайиб, “Агар сиз Сурхонга келмаганингизда шу йигитни бу даражада одамодан ва саводли, диди бандан ижодкор эканини, очиги, билмасдим”, деб қўяди.

Алпомиш баҳонасида Абдурасул Жумакулов билан оғанилардек қадрдон бўлиб кетдик.

2000 йиллари телевиденида ишлардим: қадим Термизнинг 2700 йиллигига бағишлаб махсус публицистик фильм-кўрсатув тайёрлаётганимизда Амударё соҳили-

да жойлашган Фаёзтепа ёдгорлигида Буддавийлик динига оид осори атиқаларни қаричлаб қазиб, ўрганиб юрган машҳур япон археолог, “Дўстлик” ордени соҳиби Кюдзо Като (1922–2016) билан учрашдик.

Вилоят ҳокимининг собиқ матбуот хизмати раҳбари Рамазон Ашуров ва Абдурасул Жумакулов билан бирга кечқурун Като бобининг Термиздаги ховлисида бир гуруҳ тарихчи олимлар даврасида ярим тунгача сўхбат курдик. Далварзинтепа, Қоратепа, Холчаён, Пайғамбар ороли, хуллас, қаерда будда ибодатхоналари қазилгани, умуман, Сурхон заминидан инсониятнинг тамаддун яратиши билан боғлиқ ноёб тарихий осори атиқалар топилгани ва ҳамон ўз кашфиётчиларини кутаётган яна қанча манзиллар борлигига оид баҳс-мунозарада Абдурасул ҳам бўш келмади.

2007 йиллари иккимиз учун қадрдон даргоҳ – “Ўзбекистон овози” газетасида муҳтарам устозимиз Сафар Остоновнинг ёнида ўринбосарлар сифатида елкадош бўлиб баҳоли кудрат ишладик.

Тасаввур қилинг, соат кечки ўн иккига қараб кетяпти, газетанда эса иш тўхтамайди. Устоз бўлса телефондан бўшамайди, минг хил ташвиш билан банд. Ё хонасига кимдир кириб кетса, тамом, саҳифалар ўқилмай туради. Шундай пайтда ҳамма ҳам Абдурасул Жумакуловга ўхшаб юрак ютиб Сафар Остоновга “Ака, тезроқ кўриб беринг саҳифаларни, мусахҳиллар кўзларни тўрт бўлиб кутишяпти”, дея олмасди. Лекин у шундай дейишга ботинарди.

Бир куни қизик бўлди: Остоновнинг хонасига ҳар галгидек кунда-шундалар кириволиб, бошини қотириб ўтиришганди. ЎЗА аллақачон якун берган, ҳамма чиғирликлардан ўтилиб, саҳифаларга бош муҳаррир имзо чекиши керак. Масъул навбатчи Жумакулов, мен ҳам ўша куни негадир ушланиб қолдим. Бир маҳал ҳаммани кузатиб, кейин ўзи яна қанча вақтдан кейин кетиши номаълум Сафар акаимиз кутилмаганда коридорга чиқиб, баланд овозда: “Олтмишга етяпмиз-у, бир ҳақиқатни англамабмиз, Норқобил, қаранг, бу Абдурасулдан кўп нарса ўргансак арзир экан-ей, “Эрталаб ишга, кечқурун эса уйига шошадиган одам бахтлидир”, деган отасўзни эслатди ҳозир менга, тамом, қани кетдик ҳамма уй-уйига, қўл қўйилди газетамга”, деса бўладими.

Бу гапларни эшитиб турган котибиятдаги йигитлар ва мусахҳиллар – Нигора оламиз (2025 йил дунёдан ўтди, *Оллоҳ раҳмат қилсин*), Маъсуда опа, Умида, Мафтунга (тарққийётни қарангки, *бугун босма нашрлар, ҳатто айрим нашриётларда ҳам бургутқўзги корректор шатталари қисқариб кетган*) қарсак чалиб юборишди ва Абдурасулни роса алқашди.

Бир йилдан сўнг Абдурасул Жумакулов мустақил деган мақомга эга “Хуррият”га ўтиб кетди, мен эса “Оила ва жамият” (мустақиллик билан бир кунда дунё юзини кўрган машҳур нашр эди, энди мозий мулкига айланди...) тарихга...

...2010 йиллар эди, шекилли, кутилмаганда унинг шаънига тухмат тошлари отилганида таскин берган бўлиб, “Об-бо, ҳадеб сиқилаверманг, ўтиб кетади, газета тегиримонидан бутун чиққанлар рўйхатида сиздан бўлак яна ким бор ўзи? Йўқ ва бўлмаса ҳам керак, Худо сақласин”, десам, қўл силтаб, “Э, ака, бундай гавғоларни куравериб пишиб кетдим. Майли, бу ҳам бир синовдир балки, лекин, инсоннинг, худого солдим, ким қилмағай, ким топмағай, кўрасиз ҳали”, деб қўйди. Ростдан ҳам, унинг айтгани бўлди, ҳақ қарор топди ва у тагин иқтисодий жиҳатдан жар ёқасига келиб қолган “Хуррият”ни оёққа турғизиб учун курашга кирди.

Ёзилаётган бу гапларим ҳавойи эмас, ҳаёт аталмиш улкан, долғали денгиздан олинган айрим томчилик, холос.

...2012 йил февраль ўрталари. Кун совуқ. Тошкентда эса мусибат рўй берган эди. Қиёматли дўстимиз Қурбон Эшматнинг навқирон ёшдаги қизи Арофат тўсатдан қазо қилганди. Ўша кунлари Абдурасул ижодий сафардалиги боис ёнида бўлолмаганидан надомат чекди. Тўғри уйига ўтди.

Борсак, ўн кунча аввал девдай кулиб, ўйнаб юрган одамнинг қадди букилиб, руҳи синиб, адоий тамом бўлибди. Нукул йиғлайди: “Бу қандай кўргилик, энди ким мени ярим тунда бўлсам, дадажон, ишдан яхши келдингизми, деб ухламай чойлар дамлаб кутиб ўтиради, айтинглар!?” У ҳам кўз ёшларини тийёлмайди. Ниҳоят “Юр биз билан, уйга сизга қилибсан, сал кўнглингиз ёзилсин, бошқа бир гап бор сенга”, деб уни кўчага етаклаб чиқдим.

Бир ойма бурун менга дардини ёриб, ишдан бўшаганини, агар имкон бўлса тинчгина пенсиягача бирор жойда инсофлироқ муҳаррир билан ишлаб туришини илтимос қилганди. Кутилмаган жудодик туфайли баттар ёзилаётганини англаб, ўша куни Абдурасулга йўлда шу ҳақда гап очувдим. У ўйланч бек ўтирмади. “Бўлди, Қурбон ака, эртага “Фермер” журналига ўтинг, бўлим мудирини сифатида иш бошлай-



сиз”, деди шартта. Қурбон бечора ўрнидан зўрга турди-да, “Раҳмат иним, Худойим мартабангизни бунданам улуғ қилсин”, дея дуога қўл очди.

Шу-шу бўлди-ю, Эшматов ушбу нашрда ишлаб, 2018 йили пенсияга чиқди ва энди менам одамларга ўхшаб оёқни узатиб дам олайин, деб бош муҳаррирга ариза кўтариб кирибди... “Шуми энди менга кўрсатган кароматингиз, ака, ишлайсиз, вассалом, чарчаган пайтингиз айтинг, таътил бераман. Манави ёшларга мақола ёзишни ўргатинг, оқсоқол”, деб ариза ёзилган қоғозни йиртиб ташлабди Абдурасул. Бу гапни Қурбон эртаси кунийёқ кўзлари тўла ёш билан менга айтиб берди.

2020 йил... “Ковид” деган балойи офат бутун дунёга ваҳима солиб ётган кунлари. 31 июлда юртимизда Қурбон ҳайити нишонланди. Қисматни қарангки, ҳайитдан икки кунча аввал Қашқадарёга, тоғлар бағридаги она қишлоғи – Оммағонга кетган Қурбон Эшматов ўзи яшайман деб яхши ниятлар билан қуриб битказган ҳовлисида қурбонлик ўтказгач, бирдангина тоби қочади ва аввал Шаҳрисабзда даволанди. Ўзгариш бўлмагач, Қаршидаги махсус касалхонага ётқизилди. Минг афсуски, шунча муолажаларга қарамастан, 28 август куни унинг қазо қилганини эшитиб, юрагим тўхтаб қолгандек бўлди. Чунки икки кунгина олдин кунча аввал гаплашган эдик ва ундан “Қачон Тошкентга қайтасан, деб сўрасам, у ҳазин овозда: “Жўражон, насиб этса келаси ҳафта баннисадан чиқаман, “Қадрдон қайрағоч”им ҳам тайёр бўляптикан, Абдурасулнинг отасига минг раҳмат, умримнинг охирига қадар унутмайман бу яхшилигини. Бошқа билмасям сан биласан-ку, шу балага мани ўтказиб қўйган жойим борми, айт, баъзан мазам қочиб, ётиб қолсам, ишга чиқолмасам, бир мартаям терс қарагани йўқ, “Отагиман, бир томчи қонимдан ўтарсиз, қаричилик”, десам, “Фермер”да Эшматов ишляпти, деган гапнинг ўзи бизга етарли, деб қўяди. Хуллас, сендан илтимос, Сирожиддин Саййид оғайним билан гаплашиб қўй, ўзи ваъда берувди, гарчи “союз”га аъзо бўлмасам-да, китобингиз қискин, тақдиримоти гуриллатиб ўтказамиз, деганди. Ҳаммага мендан салом айт, хўпми?”, деди...

Водариг, бу Эшматовнинг мен билан сўнгги видолашуви экан, азизлар! Узининг туғишган акасидай бўлиб қолган инсондан айрилгач, Абдурасул ҳам қаттиқ эзилди. “Ишонмасизми, Эшматов қишлоққа кетяпман деганида Худонинг зорини қилиб ялиндим, ака, ҳозир ҳамма ёқда аҳвол жуда оғир, нима қиласиз бориб, тинчгина уйда ўтиринг, вазият сал юмшасин, десам ҳам, кўнмади, иним, болалар, янгангиз ҳам ўшағда, олдига боради, деди. На илож, тақдирда шундай қисмат ёзилган экан-да. Менга алам қиладиган жойи, ўзим гувоҳман ҳаммасига, неча йилдан бери Қурбон акани саргардон қилиб, китобингиз неча йилдан бери, индинга, деб юришди ноинсоф ноширлар. Кеча ўша нашриётдан қўлёмаларини олиб, бошқаси билан гаплашдим, Худо насиб этса, келаси ҳафталада чиқади. Хўш, энди кимга керак, ана ўзиям ўтди-кетди...”

Алаокият не бўлди? Қурбон Эшмат умрининг сўнгги нафасига қадар интиқ кутган “Қадрдон қайрағоч” деб номланган китоб (яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни то-

монидан “Журналист Қурбон Эшматов ҳақида ёдномалар” ҳам чоп этилди) куз ўртасида дунё юзини кўрди ва қанча шов-шувларга сабаб бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Сирожиддин ака ўзлари бош бўлиб, тақдиротини чиройли қилиб ўтказди. Энг қизиги, ана шу китобни саховат бобида ҳаммамизга ибрат бўлгулик Абдурасул Жумақул қанча елиб-югуриб, ўз ёнидан пул тўлаб чоп эттирганини биров билди, биров билмади...

Унинг бу каби яхшилиқлари кам эмас. Қай бирини санаб берайин сизга? Бир ношукр кимсга раҳми келиб, казо-казоларга қўнғирок қилиб уй олиб берганини айтишми ё ходимларидан нечасининг фарзандлари учун контракт пулларини тўлаттиргани ёки бўлмаса бирининг жароҳлик амалиёти учун каттагина маблағ ўтказганини... Бу рўйхат жуда узун ва ҳатто унинг ўзи ҳам эслолмас керак уларни.

Биламан, кимдир орамизда мен тилга олаётган эзгу амалларни ошкор қилиш шартмасдир, деган иштибоҳга борар. Бу ҳам унутувчанлигимиз оқибати бўлса, не ажаб? Аммо шундай савобли ишларни нега энди айтмаслигимиз, элга овоза қилмаслигимиз керак, деган ўй ҳам шахсан мени қийнайди. Хўш, бошқалар ҳам шундай эзгуликларни билса, курси, нима бўпти? Ёнимиздаги лоқайд, худбин ва виждонини ўткинчи хўя-ҳавас, бойликка алмаштираётган одамларнинг ҳам, зора, шуларни кўриб, баднафс басир кўзлари очилса, гафлат босган қалби уйғонса!?

Дўст қачон синалади? Бошга оғир мусибат тушганда, ҳаётнинг оғир зарбаларига дуч келганда ёки узоқ сафарларга чиққанда. Шу маънода биз Абдурасул билан бу ёғи қўшни Тожикистон, у ёғи Ҳиндистон ё Миср ва бошқа худудларга ижодий сафарларга чиққанда ҳамроҳ бўлдик. Кўп кузатдим, кўзи тўқ одамнинг қалби ҳам дарёдек тўла бўлмоғи унинг тимсолида яққол намоеён бўлади-қўяди. Кўнгилга оғир ботмайдиган ҳазил-хузуллари алоҳида мавзу. Бир феълти тутса, ундан ўтадиган меҳр-оқибатли, қўли очик одамни тополмайсиз, аксинча, ноҳақлик ё фирромликни кўрса, тамом, таниёлмай қоласиз. Эсимда, бир замонлар кутилмаганда бошига ҳар хил маломатлар ордин ташвишлар тушди. Шунданм ҳеч кимга тиш ёрмади. Баъзиларга ўхшаб тўрт тарафга чопиб, айоханнос солмади. Аксинча, сокинлик ва босиқлик билан енгиб ўтди. Охири юксак мартаба ва мақомларга лойиқ кўрилди. Бундай мардоналик ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Энди уйлаб қолдим: мендан бешта кам қўйлақ йиртган Абдурасул Жумакуловнинг тақдир-азмолига битилмиш айрим унутилган ва унутилмайдиган шу каби воқеаларни эслаяпман-у, унинг ўзи қандай қабул қилишидан ҳавотир-даман. Сабаби, буларни у ё эслади, ё хотиридан ўчирворган. Унутгани чин бўлсин.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (Собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Т – 0345
Адади: 6289
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ